

Тазкия дарслари (160-дарс). Риёнинг даражалари

ТАЗКИЯ
160-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Руҳий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

A circular portrait of a man with a white beard and a white turban, wearing a light-colored jacket, speaking into a microphone. The background of the portrait is a patterned wall.

19:00 / 20.11.2021 2635

1-даража: Бу даража энг ёмони ҳисобланади. Унда риёкор савобни мутлақо ирода қилмайди. Мисол учун, одамлар кўришлари учун намоз ўқийди. Аммо ўзи ёлғиз бўлса, ўқимайди. Баъзида риё уни таҳоратсиз намоз ўқишга ҳам олиб боради.

2-даража: Савоб умиди «Одамлар амалимни кўрсин», деган умиддан кўра озроқ. Бу даражадаги риёнинг гуноҳи олдингисиникидан озроқ бўлади.

3-даража: Савоб ва риё мақсади тенг бўлади. Агар улардан биригина бўлса, амални қилмай қўяверади. Аммо икки мақсад жам бўлганда амални қилишга рағбат қўзғалади. Бу ҳам гуноҳ ҳисобланади.

4-даража: Одамларнинг билиши амалини яхшилаб қилишига сабаб бўлади. Агар одамлар билмаса ҳам, амални қилаверади. Бу даражадаги риёда савобнинг асли ботил бўлмайди. Аммо савоб нуқсонга учрайди. Бундай ишнинг соҳиби риёси миқдорича иқобга ва савоб умиди миқдорича савобга сазовор бўлади.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди